ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИЛМИЙ-ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ




**ю.ф.д. Б.И. Исмаилов**

Кириш

1. Коррупцияга қарши курашишда комплаенс назорат тизимининг ўрни ва аҳамияти

2. Коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимининг ривожланиши: халқаро стандартлар ва хорижий тажриба

3. Комплаенс назорат тизимини миллий қонунчиликка тадбиқ этиш истиқболлари

Хулоса

# Коррупция оқибатида юзага келадиган салбий ҳолатлар

**Кадрлар билан ишлаш тизимида салбий селекцияга олиб келади**

**Давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатларига катта зарар этказалади**

**Демократик қадриятлар (қонунийлик, адолат, тенглик) зарар етказади**

**Соғлом рақобатга тўсқинлик қилади, ҳалол ишбилармонлик муҳитига ўта салбий таъсир этади**



**Маҳсулот ва хизматлар сифатига салбий таъсир этади**

**Тадбиркорлик субъектлари, акциядорлар, контрагентлар ва бошқ. ўзаро ишонч йўқолади**

**Ҳуфиёна иқтисодиётнинг ривожлантиради**

**Иқтисодий-сиёсий барқарорликка кескин хавф туғдиради**

**Давлат бошқарувини издан чиқаради ва уюшган жиноятчилик ривожлантиради**

# Коррупцияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш мақсади

коррупцияга қарши курашиш сиёсати

манфаатлар тўқнашуви ва уни олдини олиш

коррупциявий жиноятларни олдини олиш

шаффофликни таъминлаш

қонунбузилиш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш тартиби каби бўлимларни ташкил этиш




совға, кўнгилочар дастурлар, меҳмондўстлик ва саёҳат харажатлари

экспорт назорати ва санкциялар

контрагентни ўрганиш

идоравий ҳалолликни таъминлаш

фирибгарлик ва жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш сиёсати

# 1. Коррупцияга қарши курашишда комплаенс назорат тизимининг ўрни ва аҳамияти




**Комплаенс назорат тизимининг вужудга келиши** дастлабки унсурлари **1884 йилда Германияда “Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва суғурталаш Ассоциация”нинг** ***Accident Prevention & Insurance Association)*** ташкил этилиши билан боғлиқ.

**Коррупцияга қарши комплаенс назорат тизимини дастлаб АҚШда жорий этилган.**

Ушбу тизим дастлаб 1906 йилда АҚШда озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситаларини ишлаб чиқарувчи компаниялар фаолиятини назорат қилиш федерал хизматининг ***FDA (Food and Drug Administration)*** ташкил этилиши ва фаолияти жамоат хавфсизлигига қаратилган компания ва ташкилотларнинг асос солиниш зарурияти билан юзага кела бошлади.

# «Коррупцияга қарши комплаенс тизимини» жорий этиш мақсади:



- коррупция хавфи юқори бўлган соҳаларни аниқлаш ва уни бартараф этиш самарали механизмларни жорий этиш;
- коррупциявий ҳолатлар юз бериши мумкин бўлган ҳуқуқий, молиявий хавфларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш;
- идора, муассаса манфаатларини ҳуқуқий, иқтисодий, солиқга оид, обрўсизлантириш, жазо чораларига тортилиш каби хавфлардан тизимли ҳимоялаш;
- ҳодимлар фаолиятида манфаатлар тўқнашувига ва коррупциявий жиноятлар содир этилишига йўл қўймаслик;
- ташкилот маблағларини талон тарож қилимаслик ва ноқонуний даромадларни легаллаштириш мақсадларида ишлатмаслик;
- контрагентлар халоллигини ўрганиш, хавфли шартномалар тузишни олдини олиш

# Коррупцияга қарши комплаенс - ташқи назорат тизими қуйидаги асосий масалаларни қамраб олиши зарур




- коррупцияга қарши курашиш сиёсати;
- шартномавий интизом, экспорт назорати ва санкцияга тортилмаслик сиёсати;
- давлат органлари ва ҳуқуқни мухофаза этувчи органлар билан муносабатда бўлиш сиёсати;
- контрагентни ўрганиш сиёсати;
- фирибгарлик ва жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш сиёсати;
- хизматчилар фаолиятида манфаатлар тўқнашуви ва уни олдини олиш сиёсати;
- совға, кўнгилочар тадбирлар, меҳмондўстлик ва саёҳат ҳаражатларини назорат қилиш сиёсати;
- қонунбузилиш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчиларни ҳимоя этиш сиёсати; масъул таркибий бўлимларни ташкил этиш сиёсати;
- тизимдаги конфиденциал маълумотни ҳимоялаш сиёсати;
- масъул таркибий бўлимларни ташкил этиш сиёсати.

## Коррупцияга қарши комплаенс - ички назорат тизими қуйидаги асосий масалаларни қамраб олиши зарур:




- **ташкилотга тегишли активларни тасарруф этиш сиёсати;**
- **ташкилотнинг солиқ ва молиявий сиёсати;**
- **ташкилотнинг бюджет ва инвестиция сиёсати;**
- **ташкилотнинг давлат харидларини амалга ошириш сиёсати;**
- **ташкилотнинг банк-молия, валюта сиёсати;**
- **ташкилотнинг бошқарув ва бизнес жараёнларини тартибга солиш сиёсати;**
- **ташкилотнинг рақамлаштириш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш сиёсати;**
- **ташкилотнинг ички маълумот алмашув ва корпоратив маълумотлар тизимларни бошқариш сиёсати;**
- **ташкилотнинг ички хавфсизлик сиёсати;**
- **ташкилотнинг монополияга қарши сиёсати ва б.**

# Хусусий секторда коррупцияга қарши курашишнинг сабабларидан бири коррупциявий низолар




**Volkswagen** (Германия) (2019) - (€4,7 млн),
**Odenbrecht** (Бразилия) (2017) – ($4,5 млрд),
**Samsung Group (**Корея Республикаси) (2017) **-** ($38 млн.),
**Rolls-Royce** (Буюк Британия) (2017) **– (**$809 млн.).
**TeliaSonera, Vimpelcom и МТС (**Швеция, Нидерланд, Россия.) **(**2012–2015) **– (**TeliaSonera $360 млн, от МТС $380 млн ва VimpelCom $150 млн.),
**Hanlong Group** (Хитой Халқ Республикаси) **(**2015) - (3,1 млрд. юан.)
**Petrobras** (Бразилия) **(**2014) **– (**$3,8 млрд.),
**Daimler** (Германия) – 2010 **- (**€64,7 млн.),
**Panalpina World Transport** (АҚШ) **(**2010) – **(**$49 млн.),
**Siemens** (Германия) (2008) **– (**$1,4 млрд.),
**Hyundai Motor** Co. **(**Корея Республикаси) (2007) – ($130 млн),
**Baker Hughes Inc** (АҚШ) **(**2007) **– (**$219 млн.),
**BAE Systems** (Буюк Британия) (2006) **– (**£2 млрд.).

# Дунёда коррупцияга қарши комплаенс тизимини жорий этилиши




**2021 йилга келиб дунёнинг коррупцияга қарши комплаенс тизимини 180 давлатларда 50000 компанияларда турли моделлари жорий этилган**

# Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш босқичлари қуйидаги хужжатлар қабул қилиниши билан боғлиқ




**БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш Конвенцияси (31.10.2003)**

**Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Қонун (3.01.2017)**

**«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № ПҚ-2752 сонли Қарори (02.02.2017)**

**“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони (27.05.2019)**

**“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони (29.06.2020)**



**Комплаенс назорати деб – давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилиш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир деган хулосага келиш мумкин.**

**Ўзбекистонда устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши комплаенс назорат тизимини жорий этиш қайси норматив актда илк бор белгиланган.**

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги ПФ-5729-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида қабул қилинган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури”нинг 21-бандида***

# Коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимининг ривожланиши: халқаро стандартлар ва хорижий тажриба




**БМТнинг “Коррупцияга қарши курашиш Конвенция”синing 12, 21, 22, 26, 39 моддаларида *юридик шахслар жавобгарлиги*, *хусусий секторда пора эвазига оғдириш*, *мулкнинг талон-торож қилиниши*, *миллий органлар ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик* борасида коррупция хавфларин аниқлаш, уларни олдини олишнинг қатор профилактик чоралари амалга ошириш бўйича тавсиялар белгиланган.**

Конвенциянинг 12-моддасида “Ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, **хусусий секторда коррупциянинг олдини олиш**, бухгалтерия ҳисоботи ва аудити стандартларини кучайтириш, тегишли ҳолларда, бундай чораларга риоя қилинмаслиги учун самарали, мутаносиб ва тийиб турувчи таъсир кўрсатадиган фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ёки жиноий жазоларни белгилаш чораларини кўради” дея кўрсатилган. Бу каби мақсадларга эршиш учун иштирокчи давлат томонидан коррупция хавфини камайтиришга оид аниқ тавсиялар келтирилган.

# БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенциясида хусусий секторда коррупцияни олдини олишга қаратилган нормалар

26-модда. Юридик шахсларнинг жавобгарлиги

39-модда. Миллий органлар ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик

40-модда. Банк сири




12-модда. Хусусий сектор

13-модда. Жамият иштироки

21-модда. Хусусий секторда пора бериш

## БМТнинг “Коррупцияга қарши курашиш Конвенция”сининг 26-моддасида юридик шахслар жавобгарлигига оид талаб белгиланган

Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳаракатларда иштироки учун **юридик шахсларнинг жавобгарлигини аниқлаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради**.

Ҳар бир иштирокчи Давлат, хусусан, ушбу моддага мувофиқ жавобгарликка тортилаётган юридик шахсларга нисбатан самарали, мутаносиб ва тўхтатувчи таъсирга эга бўлган **жиноий ёки жиноий бўлмаган чоралар, шу жумладан пуллик жарималар қўлланилишини таъминлайди**.



Бундай жавобгарликнинг юклатилиши жиноят содир этган **жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлигига зарар етказмайди**.

**Юридик шахсларнинг жавобгарлиги**, Иштирокчи Давлатнинг ҳуқуқий принципларига риоя қилиш шартида, **жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий ёки маъмурий бўлиши керак**.

Бугунги кунда юридик шахслар коррупциявий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиги 70 ошиқ давлатларда жорий этилган. АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия, Норвегия, Дания, Швеция ва бошқа давлатларида – **жиноий жавобгарлик.** МДҲ давлатлари Озарбайжон, Грузия, Молдова, Украина - **жиноят–ҳуқуқий (квазижиноий) жавобгарлик**




**Рухсат ва лицензияларни бермаслик**

**Маълум тойифадаги тижорат опперациялар билан шуғулланишни, тендерларда қатнашишни таъқиқлаш, берилган рухсат ва лицензияларни олиб қўйиш**

**Суд ҳукмини эълон қилиш (диффамация)**

**Шартли жазо тайинлаш (пробация)**

**Жарима**

**Активларни мусодара қилиш (конфискация) ва бошқалар**

**Молиявий санкциялар**

**Мулк ҳуқуқини олиб қўйиш (экспроприация)**

**Юридик шахсни тугатиш (ликвидация)**

# «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» Қонунида (2017 йил 3 январь) коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар

**19-модда. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар**

**21-модда. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар**

**22-модда. Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар**

**23-модда. Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдиниолишга доир чора-тадбирлар**

**24-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси**

**26-модда. Давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар қилиш мажбурияти**

**25-модда. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга доир чора-тадбирлар**

**Комплаенс назорат жорий этиш бўйича халқаро тажриба коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат хизматини жорий этилишга кўра энг кенг тарқалган *учта модели* қўлланилади**

**1. Комплаенс хизматини жорий этилиши минимал қоидалар билан чекланади**




**2. Комплаенс хизматнинг мақоми, вазифаси, фаолият доираси кўпроқ халқаро стандарт ва тавсияларга асосланади**

**3. Комплаенс хизматнинг аралаш модели**

## Комплаенс хизматини жорий этиш 4 босқичда амалга оширилади:

**Коррупцияга қарши курашиш чора-тадбир ва назорат механизмларини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш**

**Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” хизматини жорий ҳолатини таҳлил қилиш**




**Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” хизматини жорий этиш**

**Жорий қилинган коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тартиб-қоидалари самарадорлигини баҳолаш каби жараёнларда ишлар амалга оширилмоқда**

# Хорижий давлатларда коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимининг моделлари

**“Америка модели”**
**1977 йилдаги *“Хорижда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Акт”* (FCPA)**
**2002 йилдаги *“Сарбейнз-Оксли” Акти* (Sarbanes-Oxley Act of 2002),**
**2010 йилдаги *“Дод-Франк Акти”да, (The Dodd — Frank Act of 2010)***




**“Буюк Британия модели”**
**2010 йилдаги *“Порахўрлик тўғрисидаги Акт”* *(UK Bribery Act)***

**“Словения модели”**
**2014 йилдаги “Словения давлат холдингги акти тўғрисида”ги Қонуни**
**(Slovenian sovereign holding Act of 2014)**

## 3. Комплаенс назорат тизимини миллий қонунчиликка тадбиқ этиш истиқболлари

01

Президентнинг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли Фармони билан

Агентликнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгиланган, булар:

**Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”) ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш, уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш**

02

Агентликга Бош прокуратура, Адлия вазирлиги,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда

**Халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб қилган ҳолда, 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”)ни босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўриш вазифаси юклатилган.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан 2020 йил 4 сентябрда “2020-2021 йилларда яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш” бўйича йўл хариталари тасдиқланган

Соғликни сақлаш вазирлиги

Қурилиш вазирлиги

Транспорт вазирлиги

“Ўзстандарт” агентлиги

“Ўзкимёсаноат” АЖ
“Ҳудудгазтаъминот” АЖ



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Халқ таълими вазирлиги

Марказий банк

Давлат активлари бошқариш агентлиги

“Ҳудудий электр тармоғлари” АЖ

“Ўзбекнефтегаз” АЖ

Давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усуллари, очиқлик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислоҳотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида **2020 йил 27 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПФ-6096 -сонли Фармони** қабул қилинди. Фармонга асосан Молия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида **Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш департаменти** ташкил этилди.




Департаментга асосий вазифалари сифатида **давлат иштирокидаги 32 корхоналарда** 2021 йил 1 июлга қадар **харидлар ва бошқарув тизимларини аудитдан ўтказиш ҳамда «мувофиқлик тизими» (комплаенс) ва коррупцияга қарши хизматларни шакллантиришни назарда тутадиган замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш** вазифаси юклатилган.

## Коррупцияга қарши комплаенс назорати тизимни жорий этиш натижалари:



- маъмурий тартиб-таомиллар, давлат хизматлари ва харидларини амалга оширишда давлат органларида коррупция фактлари тўғрисида маълумот олишга;

- марказий аппарат ва ҳудудий тузилмалар кесимида коррупция ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишга;

- давлат идоралари, тармоқлар, ҳудудлар ва коррупция турлари кесимида коррупция ҳолати ва тенденциялари мониторингини амалга оширишга;

- фуқароларнинг, ходимларнинг мурожаатлари бўйича ягона тизим ва маълумотлар базасини яратиш, шунингдек давлат хизматида коррупцияга қарши ўқитиш ва ҳалоллик бўйича малакасини оширишга хизмат қилади.

# Коррупцияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш жараёни

1. Ваколатли ишчи гуруҳ тузиш

3. Чора-тадбирларни белгилаш

5. Коррупцияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш



2. Норматив базани хатловдан ўтказиш

4. Ташкилий-ҳуқуқий, молиявий масалаларни ечиш

6. Тизимни сертификациялаш

# Коррупцияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш борасидаги чоралар



# Коррупцияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш бўйича ваколатли ишчи гуруҳ таркиби

**Раҳбарият**



1 **Кадрлар бўлинмаси, Юридик хизмат**

2 **Ички назорат, хавфсизлик бўлинмаси**

3 **Молия-хўжалик бўлинмаси...**

# Коррупцияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш бўйича норматив асослар



**Тизимда коррупцияга қарши курашиш стратегияси**

**Тизимда коррупцияга қарши курашиш хизмати низоми**

**Тизимда коррупцияга қарши курашиш борасида нормативлар**

**Тизимда коррупцияга қарши курашиш ваколатли органлар мақоми**

**Коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга қўлланиладиган жазо ва таъсир чоралари**

# ISO 37001:2016 «Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари – Фойдаланиш учун талаблар ва тавсиялар» халқаро стандарти

**Ташкилотда коррупцияга қарши курашнинг самарали тизимини яратишнинг халқаро усулларини ўзида жамлаган, коррупцияга қарши мукаммал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қиладиган халқаро стандартдир.**

Стандарт 2016 йилда Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) (ISO Лойиҳа қўмитаси ISO/PC 278) томонидан **44 та мамлакатдан жалб қилинган 80 нафар мутахассисдан махсус шакллантирилган**




**Сингапур ва Хитойда давлат секторида, Индонезия ва Таиландда хусусий секторда ISO 37001:2016 стандартидан фойдаланилади.**

**Дунёнинг энг йирик компанияларидан бўлган Microsoft ҳам ISO 37001:2016 стандарти бўйича сертификатга эга**

**Буюк Британия Бирлашган Қиролликнинг Аккредитация Хизмати (Accreditation Service) аккредитация схемасини ишлаб чиқиш учун ISO 37001:2016 бошланғич дастурини амалга оширган**

## Ташкилот фаолиятида коррупция билан боғлиқ юзага келадиган қуйидаги ҳолатларга нисбатан амал қилади:

ташкилот номидан ёки унинг фойдасига иш олиб борадиган ҳамкорлари томонидан пора олиш

давлат, хусусий ва нотижорат секторларида пора олиш




ташкилотлар томонидан пора олиш

ташкилотга пора бериш

ташкилот номидан ёки унинг фойдасига ишлайдиган ходимлар томонидан пора олиш

ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ ташкилот ходимларга пора бериш

тўғридан-тўғри ёки кимдир орқали (масалан, учинчи шахс томонидан тақдим этилган ёки қабул қилинган пора) пора бериш каби ҳолатлар

ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамкорларига пора бериш

# ISO 19600:2014 стандарти




Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг **ISO 19600:2014 - Compliance management systems (Ташкилотда комплаенс менеджмент тизимини жорий этиш)** стандарти 2014 йил декабрда қабул қилинган. 2016 йил 1 декабрда кучга кирган.http://www.iso.org/iso/home/search.htm?qt=ISO+19600%3A2014+&sort=rel&type=simple&published=on

**Асосий талаблар:**

**Режалаштириш**

- контрагентлар билан муносабатлар
- раҳбарият вазифалари ва ваколатлари
- мақсад ва уларга эришиш

**Амалга ошириш**

- таъминлаш (ресурс, компетенциялар, ўқитиш..)
- тегишли тартибларни ишлаб чиқиш, мақсадли режалаштириш
- назорат қилиш

**Такомиллаштириш**

**Самародорликни баҳолаш**

- мониторинг, таҳлил ва баҳолаш
- аудит

# ISO 19600:2014 - Compliance management systems жорий этиш



# ISO 19600:2014 - Compliance management systems жорий этиш




| | High Level Structure for ISO management system standards | ISO 19600 |
|---|---|---|
| Clause 4 | Context of the organization | • Understanding the organization and its context<br>• Understanding the needs and expectations of interested parties<br>• Principles of good governance<br>• Compliance obligations<br>• Assessment of compliance risks |
| Clause 5 | Leadership | • Leadership and commitment<br>• Establishing the organization's compliance policy<br>• Defining the organizational roles, responsibilities and authorities (including the governing body, top management, employees and compliance officer) |
| Clause 6 | Planning | • Planning of actions to address risks related to compliance<br>• Establishing the compliance objectives |
| Clause 7 | Support | • Determining and providing the necessary resources for the operation of a compliance management system<br>• Competence & training<br>• Awareness (behavior of top management & compliance culture)<br>• Communication (both internal and external) & documentation |
| Clause 8 | Operation | • Operational planning and control<br>• Establishing controls and procedures |
| Clause 9 | Performance evaluation | • Monitoring of compliance<br>• Analysis of information and reporting of results<br>• Internal Audit and Management Review |
| Clause 10 | Improvement | • Actions on non-compliances and nonconformities (including escalation)<br>• Corrective actions<br>• Continual improvement |

# ISO 37001 стандарти

**ISO 37001:2016 «Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари – Фойдаланиш учун талаблар ва тавсиялар» халқаро стандартининг** ишлаб чиқилишини глобал миқёсда коррупцияга қарши курашда муҳим қадам деб ҳисоблаш мумкин.

**ISO 37001:2016** – бу ташкилотда коррупцияга қарши курашнинг самарали тизимини яратишнинг халқаро усулларини ўзида жамлаган, коррупцияга қарши мукаммал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қиладиган халқаро стандартдир.

**ISO 37001:2016** коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш, қўллаб-кувватлаш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш учун талабларни ва раҳбарий кўрсатмаларни белгилайди.

Стандарт 44 та мамлакатдан жалб қилинган 80 нафар мутахассисдан махсус шакллантирилган **ISO/PC 278 “Anti-bribery management systems”** ишчи қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган

# ISO 37001 стандартини жорий этиш

Давлат ва хусусий секторлардаги порахўрлик

Ташкилотлар томонидан товламачилик йўли билан пора талаб қилиш

Ташкилот ходимлари томонидан ташкилот номидан ёки унинг манфаатлари учун товламачилик йўли билан пора талаб қилиш

Ташкилот бизнес ҳамкорлари томонидан ташкилот номидан ёки унинг манфаатлари учун товламачилик йўли билан пора талаб қилиш

Ташкилотларни пора эвазига оғдириб олиш

Ташкилот ходимларини ташкилот фаолияти билан боғлиқ пора эвазига оғдириб олиш

Ташкилотнинг бизнес хамкорларини  ташкилот фаолияти билан боғлиқ пора эвазига оғдириб олиш

Тўғридан тўғри ёки воситачи орқали пора талаб қилиш



## Хусусий секторда коррупцияга қарши курашиш йўналишлари



**Биринчи йўналиш - Корруцпия хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш ва юзага келтирувчи омилларнинг олдини олишга қаратилган комплаенс назорат тизимидан иборатдир. Комплаенс (инглизча – мувофиқлик, ижро этмоқлик) маъноларини англатади.**

**Ҳозирда комплаенс хизмати дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатларида жорий этилган.**

## Хусусий секторда коррупцияга қарши курашиш йўналишлари



Иккинчи йўналиш юридик шахсларнинг корруцпияга оид ҳуқуқбузарликлари учун юридик жавобгарликнинг (фуқаролик, маъмурий, жиноий) ўрнатилишини ўз ичига олади.

Бугунги кунда юридик шахсларнинг жавобгарлиги дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатлар қонунчилигида жорий этилган.

## Хусусий секторда коррупцияга қарши курашиш йўналишлари



**Учинчи йўналиш хусусий секторда ноқонуний лоббизм ҳолатларининг юзага келишини олдини олишни ўз ичига олади.**

**Бугунги кунда лоббизмни олдини олишга қартаилган қонунлар 30 дан ошиқ мамлакатлар мавжуд.**

## Хусусий секторда коррупцияга қарши курашиш йўналишлари

АТАМЕКЕН

ХАРТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ КАЗАХСТАНА ПО ПРОТИВОДЕЙСТВИЮ КОРРУПЦИИ

**Тўртинчи йўналиш бизнес ҳамжамиятининг коррупцияга қарши курашиш ташаббусларини (Бизнес ҳартияси, Бизнес юритиш ҳалоллик кодекси) ўз ичига олади.**

**Ҳозирда коррупциядан холи бизнес юритиш ташаббуслари 40 дан ошиқ мамлакатларда мавжуд.**